



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил  
25 апрель  
ЧОРШАНБА  
№ 32  
(12.460)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## КҲЧАТ ЭК, БОҒ ЯРАТ



**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон миқёсидаги вазиятдан келиб чиқиб, маҳсус "Халқаро она Ер куни"ни таъсис этгани бежиз эмас. Ушбу сана ҳар йили 22 апрель куни бутун дунёда кенг нишонланади. Бундан мақсад ер юзидаги бор табиий унсурларни авайлаб асраш, она Заминни янада гуллаб-яшнатишдан иборат.**



## БИРЛАМЧИ БУРЧ

Бизнинг юртимизда, айниқса, мустақиллик йилларида табиий муҳофазасига муносабат тубдан ўзгарди. Республика табиий муҳофаза қилиш давлат қўмитаси шаклланиб, фаолияти такомиллаштирилди. Мамлакат парламентида табиий муҳофаза қилиш бўйича маҳсус фракция фаолият кўрсатмоқда. Шу сабаб ҳар қанчалар натижада республика табиати йилдан-йилга гўзаллашиб, гуллаб-яшнамоқда. Жумладан, бизнинг вилоятда ҳам атроф-муҳитни асраб-авайлаш, сув ҳавзаларини озода сақлаш, барча шаҳар ва туман



ҳудудларида мевали ва манзарали дарахт ҳамда турфа гул кўчатлари экиш ҳар йили аниқ режа асосида ишчи давлат этмоқда. Хусусан, шу йилнинг ўзида ташкил этилган хашарларда 260 мингдан зиёд аҳоли қатнашди. Уларнинг 78 минги ёшлар. Хашарчилар кучи билан вилоятда 576 минг 300 туپ манзарали, 699 минг 360 туپ мевали, 3 миллион 100 минг 62 туپ гул кўчатлари экилди. Вилоят ҳокимилиги ва хотин-қизлар қўмитаси бу йилги "Она табиий барчамизники, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир"

акциясини вилоят табиий муҳофаза қилиш қўмитаси ва Бўстонлик тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида "Чорвоқ" сув муҳофаза ҳудудида ташкил этди. Акцияда ташкилот, қорхона, маҳалла ва касб-хунар коллежларидан 8000 га яқин киши қатнашди. Улар 2700 тулга яқин манзарали дарахт кўчатлари ўтказиб, барча май-донларни 56 минг тонна маиший ва қурилиш чиқиндиларидан тазалашди. Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиёва иштирок этди. Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

## ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

### КАДАСТР ОБЪЕКТИГА ҲУҚУҚНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ

барча мулкдорлар ва кадастр объектларига доир бошқа ҳуқуқлар эгалари учун мажбурийдир

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-боби 15-моддасида мамлакатимизда Бош Қомус ва барча қонунларнинг устуворлиги сўзсан тан олинган белгилаб қўйилган. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ иш қилишлари таъкидланган. Шу билан бирга, барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор ҳужжат, қарор ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ кадастр объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш барча мулкдор ва кадастр объектларига доир бошқа ҳуқуқлар эгалари учун мажбурийдир. Кадастр объектига бўлган мулк ҳуқуқ ва бошқа ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатлар, объектнинг кадастр йиғмажилиди, кадастр харитаси (плани) ва

китоби, кадастр объектларининг ҳолати ҳақидаги ҳисобот кадастр ҳужжатларининг асосий турларидир. Кадастр йиғмажилиди кадастр объектига бўлган ҳуқуқни шакллантириш, ҳисобга олиш ва кейинчалик давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўладиган кадастр объектини суратга олиш, техник рўйхат қилиш ва паспортлаштириш, маҳсус текшириш ва изланишлар, сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш ҳужжатлари, материал ва маълумотларидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 19 октябрдаги 483-сонли қарорига мувофиқ жиғимоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган кўчмас мулкларни хатловдан ўтказиш, уларни баҳолаш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ ва кўчмас мулкка доир битишувларни давлат рўйхатидан ўтказиш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар, уларнинг бир ҳуқуқ эгасидан иккинчисига ўтиши, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни чегаралаш ва кўчмас мулкка доир бошқа битишувлар тўғрисидаги маълумотлар банкни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси-

## КҲРИК-ТАНЛОВ

Чирчиқ шаҳридаги 14-мехрибонлик уйида тарбияланувчилар ўртасида "Қамалак жиқоси" республика расмлар ва амалий санъат ишлари кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

### БОЛАЛАРЧА ГҲЗАЛ ТАСАВВУР

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими бошқармаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамоат фонди ҳамда Қизил Ярим ой жамияти вилоят бўлиmlари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Чирчиқдаги 14- ва Бука туманидаги 15-мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари республика босқичига йўлангани кўлга киритиш учун курашдилар. Кўрик-танловда 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўғил-қизлар расми ва амалий санъат бўйича намоийш этган иқтидорларини нуфузли ҳакамлар ҳайъати ҳолис баҳоладилар.

4 ёшдан 10 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги расмлар танловида Кристина Протасова, 10-16 ёшлилардан амалий санъат бўйича Надежда Шустова, 4-16 ёшли болалардан расмлар бўйича Даврон Хошимов, 10-16 ёшли қизлар орасида амалий санъат бўйича Дилноза Айратова кўрик-танлов голиби бўлишди. Энди улар республика босқичида вилоятимиз меҳрибонлик уйлари шарафини ҳимоя қилишди. Ҳолиблар ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўз муҳбиримиз.

## ИСТЕЪДО

### МЕҲРИНГ ЯГОНА, ЮРТИМ

– Бу йилги кўламлининг илк фусункор айёми ҳаётида ўчмас из қолдирди. Адабий йўналишидаги интилишларим, камтарона ижодимни давлатимиз юксак даражада рағбатлантирди. Юртбошимиз ташаббуслари билан таъсис этилган Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирландим. Биласизми, бу мукофотга лойиқ қўрилган 14 нафар иқтидорли қизлар сафида бўлиш менга қанчалар мамнуният бахш этганини сўз билан ифодалаш мушкул...

Бекободлик Ситора Тошматова қувончини шундай дил сўзлари билан изҳор этди. Унинг қувонганича бор. Истиқлол ёшлари ҳар қадами Президентимизнинг доимий эътибор ва ғамхўрликларини ҳис этиб, ҳеч қандай кам бўлмаган камол топаётган. Шу эътибор уларни хош спортда, хош санъатда, хош илм-фанда бўлсин, юксак марралар сари руҳлантирмоқда. Бинобарин, Юртбошимизнинг фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт, деган эзгу истаклари ҳаётда ўз ифода-

сини топаётганини ёшларимиз эришяётган ютуқлар тили солида ҳам кўриш мумкин. Ситоранинг ҳали бошланғич синфдаликдаёқ адабий ёлтириш, сўз санъати меҳри ва илоси бўлакча эканлигини сезганман, – дейди Ситора. – Шу билан бирга чет тилларини ўрганишга қизиқишим кучли. Журналист бўлиш – энг катта орауларимдан бири. Шу мақсадимга эришиш учун ўқиш ва изланишдан манъа. Менга кўрсатилган улкан эътибор ва эъозга лойиқ, юртимизга садоқатли ва муносиб Фарзанд бўлсам, дейман. Пок ниятлар ёр бўлса, дилда иштиёқ сўнмаса, шундай бўлишга шубҳа йўқ. Алишер РАҲМАТОВ.

**2012 йил учун ОБУНА** давом этмоқда.  
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси индекси – 205.

ТАДБИР



«БИЗ БИР ЖАМОА, БИР ОИЛАМИЗ»

Тошкент давлат аграр университети ҳудудида шундай номда кенг қўламли ёшлар тadbири бўлиб ўтди.

Ушбу акция "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" фонди, "Келахак овози" ёшлар ташаббуси маркази биргаликда...

Интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга ҳеч қачон маблаг ямайдиган, деди аҳолига сўзга чиққан вилоят ҳокими Рустам Холматов...



Ёшлар ташаббуси форуми ушбу акциянинг асосий тadbирлардан бири бўлди.

ли рационализаторлик ва техник тақдирлар муваффақиятли жорий этилмоқда.

Еркебой БОТМАНОВ олган суратлар.



Бўстонлик туманида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг демократик институтлар...

ЎҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК

КАДАСТР ОБЪЕКТИГА ҲУҚУҚНИ ДАВЛАТ РҲЙХАТИДАН ҲТКАЗИШ

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси 2011 йил 30 ноябрда қабул қилган ва Сенат томонидан 2011 йил 6 декабрда маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳужжатлари тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

гандан сўнг бир ой мuddат-та кадастр хизматларида давлат рўйхатидан ўтказамиз, уларга нисбатан жарима солинади.

нинг 2009 йил 2 июлдаги 184-сонли қарори), лойиҳаларни ваколатли органларда бир жойнинг ўзида келишиб, тайёр бўлган ҳужжатларни курувчи ёки уй-жой мулкдорига ёхуд уларнинг вакилларига беради.

Вилоят ҳудудида жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган қўчмас мулк объектларини (ер участкалари, турар ва нотурарлик бино-иншоотлари, дала ҳовлилари) хатловдан ўтказиш, улар эгаллаб турган ер майдонлари ўнчаларгина аниқлаштирилиши шундан хабар беради.

матларига тегишли кўрсатма берилган. Шу билан бирга, 2009 йилдан буён жойлардаги барча кадастр хизматларида фуқароларнинг аризалари қўлайлик яратиш мақсадида тузилган "Бир ойна" бўлими орқали қабул қилинади ҳамда тайёр бўлган ҳужжат буюртмачига тақдим этилади.

ОИЛАНING ЖАМИЯТДАГИ ҲРНИ

«КАМАЛАК» БИЛИМДОНЛАРИ

Янгиёул туманидаги 59-умумтаълим мактабида ўтказилган "Камалак" билимдонлари танловининг вилоят босқичида Беқобод шаҳри "Баркамол авлод", Юқори Чирчиқ тумани "Ёғду", Олмалиқ шаҳри "Юлдузлар", Янгиёул тумани "Бугуннинг камалаги" жамоалари иштирок этишди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЭРТАНГИ КУНГА МУҲИМ ҚАДАМ

ЭНГ МУҲИМ ҚАДРИЯТ ВА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

Инсоният ҳақида ҳақиқатни ривожлантиришга устувор юртимиз бугун инсонни улуғлаш, умумбашарий миллий-маданий қадриятларни ардоқлашда ўзгаларга ибрат бўлаётгани айни ҳақиқат.

лайдиган, замонавий бил-имларни, интеллектуал салоҳиятни ва илгор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдига қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин...

дошимизнинг мақсад ва вазифасидир. Бу борада виллоятимизда ҳам кенг қўламли ишлар, чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

«БАХТЛИ ТАБАССУМ» АКЦИЈАСИ

Тошкентда "Бахтли табассум" хайрия акцияси ўтказилди.

Корея Республикасининг Сеул университети табибий мутахассислари томонидан ўтказилган хайрия акциясида юқори тоифали жарроҳлар туғма лаб-танглай нуқсонига бўлган 35 нафар болаларда жарроҳлик амалиётини ўтказишди.

ЯНГИ ҚОНУН МУҲОКАМАДА

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Жамоатчилик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан биридир.

сиёсий партиялар ёки касаб-ушмалари орқали муайян ижтимоий қатлам муаммоларини, нодавлат нотижорат ташкилотлари орқали экологик ва ёшларга оид муаммоларни назорат қилиш имкониятини қўлга киритади.

Президентимиз "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жаamiaт, фуқаролик институтлари нозоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида" ги Қонуни қабул қилиш фурсати етди", дея таъкидлаган эди.

Жамоатчилик назорати ҳар томонлама кучайтиришга қаратилган алоҳида эътиборнинг махсуси бўлган Қонун лойиҳасини бугун кенг жамоатчилик қизгин муҳокама қилмоқда.

Жамоатчилик назорати субъектлари қаторида фуқаролик жамияти институтлари ҳамда республикада фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари эътироф этилган. Хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ҳамда касаб-ушмаларига Қонун лойиҳасида алоҳида эътибор қаратилади.



